

Туркияда 170 мингдан ортиқ ҳофизлар бор



11:40 / 20.12.2021 1545

Туркиянинг Янги маҳалла тумани таълим ва интизом кенгаши мажлислар залида ҳифз курсини тамомлаган талабаларни ратификация қилиш маросими ўтказилди. Бу ҳақда TRT манбаси хабар берди. Унда Туркия Дин ишлари бошқармаси бошлиғи Али Эрбаш иштирок этди. Али Эрбаш ўз нутқида: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг энг яхшиси Қуръонни ўрганадиган ва ўргатувчилардир» деганлар. Аллоҳ таоло Қуръонни муҳофаза қилаётганини ва уни қиёматгача ҳимоя қилишини марҳамат қилган, шунингдек, Қуръонни сақлашнинг энг муҳим воситаларидан бири Қуръон ҳофизлари эканлигини» айтди. — Ҳозирда Туркияда 170 мингдан ортиқ ҳофиз борлиги, «Мусулмон ёки инсонга бериладиган энг улуғ унвон бу ҳофизлик унвони эканлиги, бу дунёвий унвонлардан юқори бўлишини, Қуръон бизнинг ҳаётимиздаги йўлбошчимиздир, дея таъкидлади.

Шунингдек, Дин ишлари раҳбари қориларни, уларнинг устозлари ва оналарини табриклади, кейин ҳофизларга лицензиялар топширилди.